

«Ўзпартампоаж» АЖ
акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини
2-сонли БАЁННОМАСИ

2024 йил 25 май
Йиғилиш бошланиш вақти: 11:00

Қоровулбозор шаҳри,
Қарши шоҳ кўчаси, жамият биноси

«Ўзпартампоаж» АЖ саноқ комиссияси аъзоси М.Эримов сўзга чиқди ҳамда акциядорлар ва улар вакилларининг мазкур акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш учун руйхатдан ўтиш натижаларини маълум қилди, жумладан акциядорларни руйхатга олиш якунига кўра умумий йиғилишда «Ўзпартампоаж» АЖнинг жойлаштирилган жами овоз берувчи 8 447 400 дона овоз берувчи акцияга эгалик қилувчи 410 та акциядорлардан, 10 нафар акциядор руйхатдан ўтганлиги ва уларга тегишли бўлган жами 6291100 овоз берувчи акциялар ташкил этиши, йиғилиш кворуми 74,47 фоизни, яъни акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш Ўзбекистон Республикаси 06 май 2014 йилдаги 370-ЎРҚ-сонли «Акциядорлик жамияти ва акциядорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 68-моддасига асосан кворумга эга эканлигини маълум қилди.

Йиғилишни «Ўзпартампоаж» АЖ Кузатув кенгаши раиси А.А.Абдуҷаббаров очик деб эълон қилди. У ўз сўзини давом эттириб, «Ўзпартампоаж» АЖ акциядорларининг мазкур навбатдан ташқари умумий йиғилиши жамиятнинг 26,77 фоиз акция пакети эгаси «PTS Drilling Services» МЧЖ томонидан Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари акциядорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунинг 65-моддасига асосан жорий йилнинг 3 май кунндаги талабномасига биноан ташкил этилганлиги тўғрисида маълум қилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 77-моддасига ва «Ўзпартампоаж» АЖ Уставининг 8.16 бандига асосан жамият Кузатув кенгаши раиси акциядорлар умумий йиғилишида раислик қилиши белгиланганлигини айтиб ўтди.

Мазкур «Ўзпартампоаж» АЖ акциядорларни навбатдан ташқари умумий йиғилишини этиб жамият кузатув кенгаши раиси – А.А.Абдуҷаббаров ва йиғилиш баённомани расмийлаштириш учун котиби этиб жамият корпоратив маслаҳатчиси А.У.Махмудов номзоди таклиф этилди. Ушбу таклиф бир овоздан қабул қилинди.

Йиғилиш иштирокчилари таркибидан 3 кишидан иборат ишчи президиумни ташкил қилиш таклиф қилинди.

- | | |
|--|----------------|
| • Президиум куйидаги таркибда тайинланди: | |
| • жамият кузатув кенгаши раиси | А.Абдуҷаббаров |
| • «PTS DRILLING SERVICES» МЧЖ вакили | Д.Улуғхўжаев |
| • Давлат активларини бошқариш агентлиги вакили | М.Бекмуродов |
| • «Eriell GmbH» компанияси вакили - | А.Махмудов |

КУН ТАРТИБИ:

1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш;
2. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши саноқ комиссияси сони ва шахсий таркиби тасдиқлаш;
3. «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 79-моддасига асосан ижроия органининг ваколатларини шартнома асосида тижорат ташкилотига (ишончли бошқарувга) бериш масаласини кўриб чиқиш;
4. «Ўзпартампоаж» АЖнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;
5. «Ўзпартампоаж» АЖ Устави ва кузатув кенгаши тўғрисидаги низомни янги таҳрирда тасдиқлаш;
6. «Ўзпартампоаж» АЖ ижроия органи тўғрисидаги низомни бекор қилиш ва «Ўзпартампоаж» АЖ ишончли бошқарувчи тўғрисидаги низомни тасдиқлаш.

Кун тартибидаги биринчи ва иккинчи масала юзасидан йиғилиш раиси А.А. Абдужаббаров сўзга чиқди. У акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиш кун тартиби билан йиғилиш иштирокчиларини таништириб ўтди.

Шу билан бирга мазкур йиғилишини ўтказиш регламенти ўқиб эшиттирилди. Регламент бўйича кун тартибига киритилган хар бир масаласа бўйича марузачиларга 5 дақиқадан ва овоз бериш учун ҳам 5 дақиқадан ажратиш таклиф этилди.

Бундан ташқари овоз бериш натижаларини санаб учун 3 аъзодан иборат куйидаги таркибда санок комиссияси аъзоларини тасдиқлаш таклиф этилди:

М.Эримов - санок комиссияси аъзоси,
А.Олимов - санок комиссия аъзоси,
И.Хожиев - санок комиссия аъзоси.

Кун тартибидаги биринчи ва иккинчи масалалар муҳокамасидан сўнг, овозга қўйилди ва санок комиссиясининг баённомасига асосан:

1. Акциядорлар умумий йиғилиш регламенти куйидагича тасдиқлансин:

- кун тартибидаги масалалар бўйича сўзга чиқиш учун – 5 минут;
 - кун тартибидаги масалалар бўйича савол-жавоблар учун – 5 минут
- тарафдорлар – 6273000 та овоз, қаршилар – 18100 та овоз, бетарафлар – йўқ.

2. Санок комиссияси куйидаги таркибда тасдиқлансин:

1. Мурод Эримов;
2. Акмал Олимов;
3. Ихтиёр Хожиев.

тарафдорлар – 6273000 та овоз, қаршилар – 18100 та овоз, бетарафлар – йўқ.

“Ўзпартампонаж” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибининг биринчи ва иккинчи масалалари бўйича кўпчилик овози билан

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламенти куйидагича тасдиқлансин:

- кун тартибидаги масалалар бўйича сўзга чиқиш учун – 5 минут;
- кун тартибидаги масалалар бўйича савол-жавоблар учун – 5 минут.

2. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши санок комиссияси сони ва шахсий таркиби куйидаги таркибда тасдиқлансин:

1. Мурод Эримов;
2. Акмал Олимов;
3. Ихтиёр Хожиев.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан жамиятнинг 26,77 фоиз акция пакети эгаси бўлган акциядори “PTS Drilling Services” МЧЖ вакили Д.Улуғхўжаев сўзга чиқди ва «Ўзпартампонаж» АЖ фаолиятида 2023-2024 йиллар даврида ижро органи томонидан салбий ҳолатлар йўл қўйилганлиги, хусусан акциядорларнинг дивиденд олиш ҳуқуқлари бузилганлиги, жамиятнинг муддати ўтган дебиторлик қарздорликларини ўз вақтида ундирилмаслиги ва унинг натижаси давлат бюджетига солиқлар ва мажбурий тўловларни, ишчи ходимлар иш ҳақини тўловлар бўйича жамият мажбуриятларни ўз вақтида тўламандан, қатта миқдорда қарздорлик, ўз навбатида давлат органлар (ДСИ, суд) томонидан пеня, штрафлар ҳисобланашига сабаб бўлган, мунтазам бир неча йиллар давомида “Ўзнефтгаз бурғулаш ишлари” МЧЖдан ижара асосида 5 та махсус техника ижара ҳақи 2023 йил 1 ярим йилликида асоссиз икки қарра оширилиши натижасида жамият 1,8 млрд.сўм харажатлари оширилиб, даромад бой берилган ва бу ҳолат жамиятнинг 2023 йил 1 ярим йилликда 4,8 млрд.сўм соф зарар билан фаолиятини яқунлашини сабабларида бири бўлган. Ушбу салбий ҳолатларни жамиятнинг келажакдаги фаолиятига, шунингдек, киритилаётган инвестицияларнинг қопланиш муддати ва даромадига салбий таъсир кўрсатишини инобатга олиниб, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 79-моддасига асосан жамият ижроия органи ваколатини тижорат ташкилотига (ишончли бошқарувчига) бериш орқали самарадорликни ва жавобгарликни ошириш мақсадида

“PTS Drilling Services” МЧЖ томонидан бир неча марта, жумладан жорий йилнинг 17 апрель ва 3 май кунлари ёзма хатлар орқали жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш бўйича талабнома киритилганлигини маълум қилди.

«Ўзпартампоаж» АЖ ижроия органи ваколатини ишончли бошқарувчига танлов асосида бериш учун икки тижорат ташкилоти, яъни “Bukhara Gold Techno” МЧЖ ва “Loyal Cars” МЧЖ киритилганлиги маълум қилди.

Йиғилиш иштирокчиларига мазкур ташкилотлар тўғрисида маълумотлар тақдимот этилди.

Кун тартибидаги учинчи масала муҳокамасидан сўнг, овозга қўйилди ва санок комиссиясининг баённомасига асосан “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 79-моддасига асосан “Ўзпартампоаж” АЖ ижроия органининг ваколатлари шартнома асосида қуйидаги тижорат ташкилотига (ишончли бошқарувчига) берилсин:

- “Bukhara Gold Techno” МЧЖ;
тарафдорлар – 5488578 та овоз, қаршилар – 798022 та овоз, бетарафлар – 4500 овоз
- “Loyal Cars” МЧЖ“
тарафдорлар – 1000 та овоз, қаршилар – 1959422 та овоз, бетарафлар – 4500 овоз.

“Ўзпартампоаж” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибининг учинчи масаласи бўйича кўпчилик овози билан

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 79-моддасига асосан “Ўзпартампоаж” АЖ ижроия органининг ваколатлари шартнома асосида “Bukhara Gold Techno” МЧЖ тижорат ташкилотига (ишончли бошқарувчига) берилсин.

Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан жамиятнинг 26,77 фоиз акция пакети эгаси бўлган акциядори “PTS Drilling Services” МЧЖ вакили Д.Улуғхўжаев сўзга чиқди ва сўзга чиқди. У ўз нутқида “PTS Drilling Services” МЧЖ томонидан жорий йилнинг 3 май кунлари ёзма хат орқали жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш бўйича талабномасига асосан “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 79-моддасига асосан жамият ижроия органи ваколатини тижорат ташкилотига (ишончли бошқарувчига) бериш орқали самарадорликни ва жавобгарликни ошириш мақсадида қуйидаги:

- “Ўзпартампоаж” АЖнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;
- “Ўзпартампоаж” АЖ Устави ва кузатув кенгаши тўғрисидаги низомни янги таҳрирда тасдиқлаш;
- “Ўзпартампоаж” АЖ ижроия органи тўғрисидаги низомни бекор қилиш ва, - “Ўзпартампоаж” АЖ ишончли бошқарувчи тўғрисидаги низомни тасдиқлаш масалари киритилганлигини маълум қилди.

Йиғилиш иштирокчиларини “Ўзпартампоаж” АЖ ташкилий тузилмаси, Устави, кузатув кенгаши ва ишончли бошқарувчи тўғрисидаги низомларни янги таҳрирдаги лойиҳалари билан таништириб ўтди.

Сўзга жамият йиғилиш раиси А.А.Абдужаббаров чиқди ва жамият акциядорларнинг 15.09.2023 йилдаги навбатдан ташқари умумий йиғилишининг қарори билан жамиятни янги таҳрирда Устави ва ижроия органи тўғрисидаги низомни тасдиқланган бўлиб, жамиятда яқка тартибдаги ижроия органи – директор ўрнига 3 та аъздан Бошқарув раиси, Бошқарув раисини ишлаб чиқариш бўйича биринчи ўринбосари ва Бош ҳисобчи иборат коллегиял ижроия органи ташкил этилиши кўзда тутилганлигини айтиб ўтди.

Бироқ жамият бошқарув раисини ишлаб чиқариш бўйича биринчи ўринбосари ва бош ҳисобчиси ташкил этилиши кўзда тутилган коллегиял ижроия органи таркибида ўтиб ишлаганда рағбатлантириш миқдори ва тўлов тартибидан норози бўлиб, бош тортганлигини инобатга олиб, ҳақиқатда (ҳозирги кунга қадар) жамиятда коллегиял ижроия органи ташкил этилмасдан яқка тартибдаги ижроия органи - директор фаолият кўрсатганлигини таъкидлаб ўтди.

Шу билан бирга мазкур йиғилишга тасдиқлаш учун киритилган “Ўзпартампоаж” АЖ янги тахрирдаги Уставининг 11.3-бандига – жамият кузатув кенгаши жамият ходимлар штатларини (штат жадвалини) белгилаш ва тасдиқлаш ҳамда ишончли бошқарувчи билан тузиладиган шартнома шартлари кузатув кенгаши томонидан тасдиқлаш ваколоти киритилганлигини таъкидлаб ўтилди.

“Ўзпартампоаж” АЖ ижроия органининг ваколатлари шартнома асосида тижорат ташкилотига (ишончли бошқарувчига) берилиши муносабати билан “Ўзпартампоаж” АЖ янги штатлар жадвалини тасдиқлаш кераклиги ва унда “Ўзпартампоаж” АЖ ижроия органи раҳбари (директор, бошқарув раиси) штати (бирлиги) бекор қилиниши ва унинг ўрнига ишончли бошқарувчи киритилишини маълум қилди.

Бундан жамият Уставининг 12.4-бандига асосан жамият номидан жамиятнинг ишончли бошқарувчиси билан шартномани жамият кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади деб белгиланганлиги айтиб ўтилди.

Оқоридагилардан келиб чиқиб, “Ўзпартампоаж” АЖ акциядорларнинг мазкур навбатдан ташқари йиғилиши қарорларини ижросини таъминлаш ва “Ўзпартампоаж” АЖ Уставини янги тахририни давлат руйхатидан ўтказишни қисқа муддатларда амалга ошириш мақсадида “Ўзпартампоаж” АЖ кузатув кенгаши раиси А.А.Абдужаббаровга жамият Уставини янги тахририни имзолаш ваколатини бериш мақсадга мувофиқ ҳисоблансин.

Тўртинчи, бешинчи ва олтинчи масалалар муҳокамасидан сўнг, овозга қўйилди ва санок комиссиясининг баённомасига асосан:

1. “Ўзпартампоаж” АЖнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлансин; тарафдорлар – 5493078 та овоз, қаршилар – 798022 та овоз, бетарафлар – йўқ
2. “Ўзпартампоаж” АЖ Устави янги тахрирда тасдиқлансин; тарафдорлар – 5493078 та овоз, қаршилар – 798022 та овоз, бетарафлар – йўқ
3. “Ўзпартампоаж” АЖ кузатув кенгаши тўғрисидаги низоми янги тахрирда тасдиқлансин; тарафдорлар – 5493078 та овоз, қаршилар – 798022 та овоз, бетарафлар – йўқ
4. “Ўзпартампоаж” АЖ ижроия органи тўғрисидаги амалда бўлган низоми бекор қилинсин; тарафдорлар – 5493078 та овоз, қаршилар – 798022 та овоз, бетарафлар – йўқ
5. “Ўзпартампоаж” АЖ ишончли бошқарувчи тўғрисидаги низом тасдиқлансин. тарафдорлар – 5493078 та овоз, қаршилар – 798022 та овоз, бетарафлар – йўқ

“Ўзпартампоаж” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибининг тўртинчи, бешинчи ва олтинчи масалалари бўйича кўпчилик овози билан

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. “Ўзпартампоаж” АЖнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлансин.
2. “Ўзпартампоаж” АЖ Устави янги тахрирда тасдиқлансин.
3. “Ўзпартампоаж” АЖ кузатув кенгаши тўғрисидаги низоми янги тахрирда тасдиқлансин.
4. “Ўзпартампоаж” АЖ ижроия органи тўғрисидаги амалда бўлган низоми бекор қилинсин.
5. “Ўзпартампоаж” АЖ ишончли бошқарувчи тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

Йиғилиш раиси:



А.А.Абдужаббаров

Йиғилиш котиби:

А.У.Махмудов